

ШАРТНОМА № 5

Фаргона шаҳри

28.10.2022 йил.

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган «ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ номидан устав асосида иш кўрувчи А. Сайдалиев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "ВМ AZIMSTROY" МЧЖ номидан устав асосида иш кўрувчи раҳбари Ж.Ақбаров иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйдагилар хақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1. Пудратчи мазкур шартнома лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш бўйича қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш (таъмирлаш) ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. № 22120012165267 лотга асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 06 июндаги ПҚ-271 сонли қарорига мувофиқ Фуркат тумани Истиклол КСЗ да электр қурилиш монтаж ишларини бажариш хизмати.

2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 1 018 000 000.00 сумни (бир миллиард ўн саккиз миллион сум) ташкил этади.

2.3. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш (таъмирлашга) қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

2.4. Қурилиш (таъмирлашга) муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

3. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи барча ишларни мазкур шартномада ҳамда сметага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

сметага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш (таъмирлаш)таваккалчиликларини суғурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшашиш;

қурилиш (таъмирлаш)майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

4. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартнома сметага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига сметага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

5. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

5.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

5.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

6. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

6.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг **30 фоизи** миқдоридан, аванс ўтказиладиган, бу **305 400 000 сўмни** ташкил этади.

6.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади.

**16. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:**

Буюртмачи:

«ФАРГОНА ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР
ТАРМОКЛАРИ КОРХОНАСИ» АЖ
МАНЗИЛИ ФАРГОНА Ш КУВАСОЙ
КЎЧАСИ 74-УЙ
«ПСБ БАНК « ФАРГОНА ФИЛИАЛИ

Х/Р: 20210000900215289001
ИНН: 200144930, МФО: 00440



Т.Б.И.
РАХБАР
М.Ў.
(ИМЗО)

A large, stylized handwritten signature in blue ink.

Пудратчи:

"BM AZIMSTROY" МЧЖ

Манзили: Фаргона вилояти Бешарик тумани
Бешсари МФЙ Шўр қишлоғи

Х/Р: 20208000805421244001

Банк реквизитлари: "ТИФ МИЛЛИЙ БАНКИ" АЖ
БЕШАРИК ФИЛИАЛИ

МФО: 00885. ИНН: 308743644

Тел.: 94 558 11 12



РАХБАР
М.Ў.
(ИМЗО)

Ж.АКБАРОВ